

СИГРЛАРДАН НАСЛ ОЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

И. А. Набиев

мустақил тадқиқотчи

АННОТОЦИЯ

Аъзам Азамат агро фемир хўжалигига мавжуд 250 бош насли қорамоллардан жами 40 бош, 20 бошдан иккита тажриба ва назорат гуруҳларга бўлиб, ўрганилганда 20 бош четдан элдан уруғлантириб келтирилган насли ғўножинлар ва 20 бош сунъий уруғлантирилган насли сигирларда тажриба ва назорат гуруҳларда чет элдан уруғлантириб келтирилган насли ғўножинлардан олинган маҳсулдорлик кўрсаткичи юқори эканлиги тажрибаларда аниқланди.

Калит сўзлар: Насл, ғўножин, сигир, маҳсулдорлик, чорвачилик, озиклантириш, сунъий, генетик, уруғлантириш, голштин.

КИРИШ

Ҳозирги замон давр талаби Чорвачиликни ривожлантириш ва чорва маҳсулдорлигини оширишнинг асосий шартлари сигирлардан унумли фойдаланиш, қисирликни олдини олиш, қисир қолишга йўл қўймаслик, уруғланиш миқдори ва сифатини ошириш, оталанишни кўпайтириш ҳамда ёш бузоқларни сақлаш тадбирларини йўлга қўйишдан иборатдир. Озиклантиришни яхшилаш билан бир қаторда хўжаликлардаги чорвачилик ишларини юритишни такомиллаштириш, шунингдек илғор фан ютуқларидан кенг фойдаланиш эвазига қорамоллар бош сонини бирмунча кўпайтириш ҳозирги куннинг асосий вазифаларидан биридир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Қорамоллар физиологияси шундай тузилганки, эмрионал даврида бузоқлар турли касалликларга қарши чидамлилиқ хусусиятларини (иммунитетни) онасидан қабул қилаолмайди, шунинг учун умрининг дастлабки дақиқаларида унинг иммун тизими ҳали шаклланмаган бўлади. Бузоқ турли касалликларга чидамлилиқ хусусиятларни онасидан оғиз сути орқали олади. Оғиз сути бу сигир туққандан кейинги дастлабки соатларда елинда ҳосил бўладиган сутдир. Оғиз сутининг таркиби оддий сутдан кескин фарқ қилиб, унда катта миқдорда иммун антитаналар,

витами́нлар ва минераллар мавжуд бўлади ва бу моддалар бузоқнинг соғлом ўсишига замин яратади.


Статистик маълумотларга кўра сизирлардан насл олиш ҳар 100 бош сизирдан 90-95 тадан бузоқ олиш мумкинлиги тажрибаларда аниқланган, агар 1 йилда сизирларнинг 15-20 %и 2 марта тукқанда. Бунинг учун январь-феврал ойларида тукқан сизирлар март ойининг 15-20 саналарида уруғлантирилиши керак бўлади.

Илмий тадқиқотлар Самарқанд вилояти Самарқанд туманида жойлашган, “Аъзам Азамат агро” ферми хўжаликида ўтказилди. Ушбу фермада жами 250 бош Голштин зотига мансуб қорамоллар мавжуд бўлиб, шундан 100 бош сизир, 75 бош бузоқлар ва 75 бош бўқалар ташкил қилади. Шу фермадан 40 бош икки гуруҳдан, жами тўрт гуруҳга 10 бошдан иккита тажриба ва иккита назорат гуруҳларга ажратиб, тажриба ўтказилди. Тадқиқотлар давомида қорамолларнинг барча физиологик кўрсаткичлари текшириб борилди. Насл олишда биринчи навбатда сизирларнинг генетиксини яхшилаш энг самарали усул ҳисобланади. Қорамолчиликда генетикани яхшиланишнинг энг самарали усули *Эмбрион трансплантация* яъни донир сизирдан авлод олиш бўлса, иккинчи усули бу *чет элда уруғлантирган насли гунажинларини* олиб келиш орқали бузоқ олиш, учунчи усул *насли бўқаларнинг уруғи билан сунъий уруғлантириш* орқали тўғилган урғочи бузоқларнинг қатъий юруқнома асосида боқиб уларни кўпайтириш орқали эришилади. Бу усуллардан *Эмбрион трансплантация* ҳозирча Ўзбекистон шароитида қўлланилмаган, тажрибалар давомида *чет элда уруғлантирган насли гунажинларини* олиб келиш орқали бузоқ олиш ва *насли бўқаларнинг уруғи билан сунъий уруғлантириш* усуллардан фойдаланилди. Ушбу усуллардан фойдаланиш ҳозирги кунда чорвачилик хўжаликларида кенг қўлланилмоқда

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Қорамоллардан ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра 40 бош Голштин зотли Голландиядан келтирилган насли сизирларда олиб борилди. Бунда чет элдан уруғлантириб келтирилган насли ғўножинлар жами 20 бош иккита тажриба гуруҳлари 10 бошдан ажратилди, унъий уруғлантирилган насли сизирлар эса жами 20 бош, 10 бошдан иккита назорат гуруҳларга ажратиб ўрганилди. Тадқиқотнинг натижалари қўйдаги диаграмма орқали ифодаланган.

Диаграмма №1



Ушбу диаграммада 40 бош тажриба ва назорат гуруҳидаги сигирлардан олинган бузоқларни фоизга ҳисоблаганда Чет элдан уруғлантириб келтирилган наслии ғуножинлардан жами 20 бош яъни 10 бошдан иккита тажриба гуруҳларга чет элдан уруғлантириб, келтирилган наслии ғўнажинларнинг насл бериши 44 % ни ташкил қилган бўлса, Сунъий уруғлантирилган сигирлар 12 % насл олинганлиги кузатилди. Иккита назорат гуруҳлардаги жами 20 бош яъни 10 бошдан иккита тажриба гуруҳлардаги чет элдан уруғлантириб келтирилган наслии ғўнажинларнинг насл бериши 35 % натижа қайт этиган бўлса, сунъий уруғлантирилган сигирлардан 5 % натижа кузатилди. Ҳар иккала гуруҳларда ҳам Чет элдан уруғлантириб келтирилган ғўножинлардан олиган насл фоизи кўйиб ҳисобланганда кўрсаткичи юқори эканлиги диаграммада ифодаланди.

ХУЛОСА

Олинган натижаларга кўра Тажриба гуруҳда ва назорат гуруҳда ҳам Чет элдан уруғлантириб келтирилган наслии ғўножинлардан олинган маҳсулдорлик юқори эканлиги аниқланди.

1. Насл олишнинг юқори самарадорлиги чет элдан уруғлантирилиб келтирлаётган ғўножинларни уруғлантириш генетик жиҳатдан соғлом маҳсулдорлиги юқори, аниқ

текширишларга асосан танланган бўқолар орқали уруғлантирилганлиги аниқланди.

2. Сунъий уруғлантирилган насли сизирлардан олган натижаларни нисбатан паст натижа қайт этганлиги эканлиги маҳсулдорлиги юқори бўқоларга боғлиқ ҳолда насл олиниши исботланди .

3. Сунъий уруғлантирилган сизирларни сақлаш, озиклантириш, маҳсулдорлиги паст сизирларни танланганлиги натижаларни кескин тушушига сабаблиги тажрибаларда аниқланди.

REFERENCES

1. Аширов М.И., Аширов Б.М., Юлдошев А.А. Разведение голштинского скота в Узбекистан. Монография, Ташкент., «Навруз» 2020 ,172 с.
2. Дунин И, Кочитков А, Шаркаев В.П. Пленные и продуктивные качества молочного скота в Российской Федерации. Ж «Молочное и мясное скотоводство», №6 2010, с.2-4.
3. Кузнецов В.М./2003 Методические оценки животных с введением в теорию BLUB/ Киров Зонольне НИИШ Северо Востока им. Н.В. Рудникого, 358 с.
4. Кузнецов В.М. «Основы научных исследований в животноводстве» Киров: Зональный НИИСХ Северо Востока, 2006 г, 568 с.

